

II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» таъкилоти руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб тошган ҳолатларда, ўз тасарруфидоги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистемолчиларнинг уланishiга руҳсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистемолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» таъкилоти томонидан қўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистемолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларга мансуб бўлса, «Таъминотчи» таъкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистемолчи ҳам тузади ва сузни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-драхларни суғориш учун фойдаланилишига қўйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи таъкилоти қувағи мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат туғни вақтда (соат 0000 дан соат 0500 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидадан истеъмолчи ҳўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчриш ҳамда технология ва ишлаб чиқариш жараёшлари учун фойдаланилади.

2.6. Сузни ҳисобга олиш приборлари ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан текширилиб шомбаланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан шомбалаиниш лозим. Шунинддек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, хиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонунчиликида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калбери) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатишган минимал истеъмол микдорлари ҳам микдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ҳолими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилиш билан таъминлаш учун қўрсатма беради, ушбу қўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг қўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш қоидаларда ўрнатишган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистемолчиларининг уланishi «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни ялова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш таъкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ микдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» қўрсатишган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга оширилиш шарт.

2.11. Лимитдан ортқича сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилиувчи коэффициентни қўлаш йўли билан ҳақ ундирилади.

2.12. Қўйидагилар «Таъминотчи» таъкилоти билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат қўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик четаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун тармоққа уланishiни узиб қўйувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувага уланishi, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи,

магистрал оқова тармоғига уланishi нуктасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи оқова қудуғи (камераси) магистрал оқова тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» таъкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизини эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тетишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат қўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» таъкилотида қонунчиликда ва шартнома шартларида қўрсатишган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» таъкилотида шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамийда 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича қўрсатишган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг қўқини ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» таъкилотида ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари қўрсатилаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» таъкилотида носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босинидан сақлайдиган барча учирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда таъминот йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпишмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» таъкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тиқилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарини қоплаш;

3.2.3. «Таъминотчи» таъкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сузни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг қудуғида ёки тасарруфидо бўлган ҳамда «Таъминотчи» таъкилоти томонидан шомбаладан бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги шомбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. «Таъминотчи» таъкилотида ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнғинга қарши тизимдан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» таъкилотида шомба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни шомбалаш учун «Таъминотчи» таъкилоти вакилини қақриши;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида қўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу қўрсаткичларни «Таъминотчи»га чекчлмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» таъкилоти, истеъмолчининг 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қўйидаги ҳолатларда сузни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тетишли ва унинг тасарруфидо бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи»

ташкilotи вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкilotи талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкilotи мансабдор шахси истеъмолчининг сузни ҳисобга олиш узеги, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда суви ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини ҳайд этиш, шомбаларни ўрнатил мақсадида кўздан кечиринч, белгиланган лимитдан кўл сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкilotи нархлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асосенз равишда қартилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкilotи томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режалаш-оҳлангиринч тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасаруфда бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўламаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасаруфда бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкilotидан уланаш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у окказилаётган оқова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга рия қилинганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкilotи кўйидаги ҳолатларда ондиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкilotининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнгин чиққан жойларга сув узатишни кўлайтиришга зарурат туғилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова суви чиқариб юборил юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунгазам равишда назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқова тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунгазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан суви беҳуда сарфининг омилини олиш, саноят корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга рия қилинаётганини мунгазам равишда назорат қилиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкilotларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффицентни қўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига окказилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига рия этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режалаш тўхтатиш ва узатишлар ҳақида истеъмолчилар узатишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай оҳлангиринч.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатларда келиб чиққан зарарин, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаш шарт.

4.2. «Истеъмолчи» кўйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик суви ҳисобга олиш прибори шомбалари буғлиги, айланаш чизиги жуъраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг ҳудудиди ва тасаруфда бўлган шомбаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ суви ҳисобга олиш қурилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларида;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудда жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолатларда.

4.3. «Таъминотчи» кўйидаги ҳолатларда жавобгардир:

а) Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартлари ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва микдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва қўйилган мажбуриятларни бажармаслик.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (ҳабул қилинган) сувининг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўрғача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фойз олинган ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3. Тўловнинг шартномада белгиланган кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фойз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фойзидан ошмаслиги лозим.

5.4. «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фойз олинган ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларини ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш кунини ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларини ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундиринч чораларини кўради.

Бундай ҳолатларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юқлинилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари микдорига тўлов қайта улашни амалга оширган ташкilot ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдорида тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти

- тўлов муддати, энг сўнги тузилган далоятнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан улашиб олишнинг муқаддас кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» баланддаги тармоқларга улашиб солиш этилган бўлса, бу муддат даъво аризалари ёзилган муддатдан олмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан улашган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатга тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртма (объектни лойҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова суви тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатлари тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва қадас-тўр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси буйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёсади ва унинг умумий ҳиймати асосий тўловнинг 50%дан олмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилётган, ишлаб чиқариш оқова сувларининг «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунинда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари» ҳамда ифлослантувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибида ҳисобланади.

6.8. Оқова суви чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби буйича метрлар билан белгиланган оқизилган йўл қўйилган чекланган миқдордан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёшиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиғий муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўламаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг ноғўри қилинганлиги (тарифларнинг ноғўри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатда қўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Ниҳозларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан ниҳозлар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

мавжуд бўлган ҳолатларда, истеъмо қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларнинг миқдори ушбу сув қурилмаларнинг махсуддорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларнинг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қулуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимдан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиши ёки истеъмо қилиш учун руҳсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбан (артезиан скважинаси, қулуқ, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиб учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаннинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан тугатилмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далоятнома имзолashi шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетган суви ҳисобга олиш прибори, шлоббаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг қалендар қулиари. ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда: M 0.60га тенг бўлган сулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F сууюқлик оқиб ўтдиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр буйича)м²;

g 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H сувнинг метрлардаги босими;

t вақт-24 соат, секундларда.

Қуйдаги ҳолатларда юқоридagi формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнги тузилган далоятнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри қичиқроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондрилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборнинг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга (шломбага) руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти четарланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далоятнома тузилади ва шу тузилган далоятнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy, tel.: (998 73) 572 17 78,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022 yil "10" yanvar

Dang'ara tumani Tibbiyot
birlashmasiga

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

05.01.2022 yil Shartnoma №12/72301

2. Loyihaning nomi:

Farg'ona suv ta'minoti MCHJ tomonidan suv bilan ta'minlash to'g'risida

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Tibbiyot birlashmasi.

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti



D.M.Kaxxorov